

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТАНГИРОВ НИЗОМ АБДУРАХМОНОВИЧ

НООСФЕРА КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ФАЛСАФИЙ-МЕТОДОЛОГИК  
ТАҲЛИЛИ

09.00.01 – Олтилогия, гноссология ва мантика

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по философским наукам

Contents of Dissertation Abstract  
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences

Тангиров Низом Абдурахмонович Ноосфера концепциясининг фалсафий-методологик таҳлили.....	3
Тангиров Низом Абдурахмонович Философско-методологический анализ концепции ноосферы.....	21
Tangirov Nizom Abdurakhmanovich Philosophical-methodological analyzes of the conception of noosphere.....	39
Эълон қилingan ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc\_30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТАНГИРОВ НИЗОМ АБДУРАХМОНОВИЧ

НООСФЕРА КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ФАЛСАФИЙ-МЕТОДОЛОГИК  
ТАҲЛИЛИ

09.00.01 – Онтология, гносеология ва методика

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БУЎИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси назардан Ўзбекистон Назарлар Мақомаси ҳузуридаги Илмий аниқлаш комиссиясида И2018.1.PhD-Fa1187 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Назарий қомандан Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация авторферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз тилида) Илмий аниқлаш веб-сайтида ([ik.fabrizio.it](http://ik.fabrizio.it)) ва «Zyone!» Аxbорот-таълим порталида ([www.zyone.it](http://www.zyone.it)) joylashtirilgan.

Илмий раҳбар:	Каримов Шеролим, филсафа фанлари доктори, профессор
Расмий раъоятлар:	Маъиншиқов Саидмурод, филсафа фанлари доктори, профессор Бердишуратова Аяша Карлибаевна, филсафа фанлари доктори, профессор
Етабчи тинчилот:	Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳиммати Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги ДФс.30.12.2018 F 01 05 рақамли Илмий аниқлашнинг 2020 йил «6» август куни тоғридаги маълумоти бўлиб ўтди. (Маълум: 1000174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-йўл, Ўзбекистон Миллий университети Назарий фанлар факультети биноси, 3-кават, 511-хона Тел: (99871) 223-12-24, факс: (99871) 246-53-21; e-mail: [naikaj@miu.uz](mailto:naikaj@miu.uz).)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетидаги Аxbорот-ресурс марказида ташқиқоти мумкин. (68 рақам билан рўйхатга олинган). (Маълум: 1000174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-йўл, Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биноси, 2-кават, 4-хона Тел: 236-46-53, факс: (99871) 246-02-24.)

Диссертация авторферати 2020 йил «22» сентябр да тарқатилган  
«» (2020 йил «22» сентябр даги 31 рақамли регистр баъномаси)



И.А.Шермухамедова,  
Илмий даражалар берувчи илмий  
котиби раиси Ўзбекистон, ф.ф.д.,  
профессор

У.А.Маъиншиқов,  
Илмий даражалар берувчи илмий  
аниқлаш қомандан аъзоси, ф.д. (PhD)

Ғ.Т. Маъмуров,  
Илмий даражалар берувчи илмий  
котиби раиси илмий семинар  
раиси, ф.ф.д., профессор

## Кирриш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруряти. Бугун жаҳонда илмий билимлар тизимининг бекибс даражада ўсиши ва ундаги интеграция, трансформация жараёнлари, илмий технологияларнинг ривожланиши – инсон ақл сферасининг ҳар томонлама ривожланишига сабаб бўлмоқда. Бу эса инсон ақл сфераси хусусиятлари ва имкониятларини ўрганишдан махсус илмий-тадқиқотнинг интегратив соҳаси бўлган “Ноосфералогия” фани шаклланишига олиб келди ва жаҳонда “инсон ақл қобили” тадқиқотларига доир нуфузли институт ва тадқиқот марказлари шаклланиб, уларнинг фаолиятида, ноосферанинг: инсон, жамият, табиат ва космос таракқиёти билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар ҳар томонлама чуқур ўрганилмоқда. Дарҳақиқат, БМТ томонидан илгари сурилган “XXI аср кун тартиби”да белгиланган масалаларни ҳал этишда ноосфера концепцияси назарий ва амалий жиҳатдан долзарб аҳамиятга эгадир.

Дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказларида ноосфера концепциясига оид тадқиқотлар етакчи роль ўйнамоқда. Жумладан, Халқаро ноосфера институти (Россия), Ноосферавий жамият Фанлар Академияси (Россия), Ноосферавий мўънавий-экологик Бутунжаҳон ассамблеяси (Россия), Фан ва таълим ноосфера академияси (Украина), ноосферавий-экологик тадқиқотлар маркази (Озарбайжон) ҳамда Ноосферавий ишлаб чиқариш ва тадқиқотлар институтлари (Россия) фаолият олиб бормоқда. Шу жиҳатдан Республикамизда ҳам ноосфера концепциясини мураккаб тизим сифатида яхлит фундаментал жиҳатдан тадқиқ этиш, унинг фалсафий-методологик асослари, гносеологик имкониятлари ва истиқболларини замонавий фан парадигмалари асосида ўрганиш зарурияти юзага келмоқда.

Мамлакатимизда ҳам таълим-тарбия, фан-техника ва ишлаб чиқаришнинг узвий бирлигини таъминлаш ва уларни инновацион ривожлантиришига катта эътибор қаратишмоқда. Шу жиҳатдан ноосфера концепциясининг экология, гносеология ва этика масалалари доирасидаги глобал муаммолар ечимини топишга йўналтирилган вазифаларни амалга ошириш зарурияти юзага келмоқда. Хусусан, “Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қишлоқлик – билимсизликдир!”. Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эҳси бўлиш узлуксиз ҳаётвий эҳтиёжга айлангани керак”<sup>1</sup>. Ривожланган мамлакатлар бугунги юксак таракқиёт даражасига айнан шунинг ҳисобидан етганини унутмаслик керак. Шу нуқтан назардан инсониятнинг интеллектуал ижодкорлиги махсули бўлган ноосфера концепциясини республикамызда кенг жамоатчиликка етказиш файласуф

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентини Ўли Мажлиси Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь №19(7521)сон. –4. 2.

олимларимиз томонидан бутунги кундаги ҳал этиш ва ўз ечимини кутаётган – долларб илмий муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги “Инновацион ҳоҳлар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3682-сон, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сон, 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 434-сонли қарорлари ва мақсуда онд бошқа метабрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилди.

**Таджикотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳукукий, истисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ҳоҳлар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишга мувофиқ равишда бажаришган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ноосфера муаммоси, сўнги йилларда, мамлакатимиз ва хорижий мамлакат файласуф ҳамда табиатшунос олимларининг марказий муаммоларидан бири бўлиб келимоқда.

Республикамиз олимлари томонидан сўнги йилларда ноосфера тўғрисидаги қарашларнинг табиат – жамият – инсон муносабатларининг моҳиятини ёритиб беришга бағишланган бир қатор асарлар чоп этилди. Жумладан, Н.А.Шермухамедова, М.Н.Абдуллаева, И.Каримов, С.Мамашоқиров, И.С.Хошимова, Б.Р.Каримов, Э.М.Илетиова, К.Ж.Туленова, Б.О.Тўраев, С.Сангинов, А.К.Бердимуротова, Э.Д.Давронов, К.М.Алиева, К.У.Утуров, Ш.Б.Қаҳҳорова, Г.Н.Исмакова, Г.Г.Ғаффарова, Г.О.Жалалова ва М.К.Ниязимбетов<sup>2</sup> каби олимларининг илмий ишлари тадқиқотимиз олдига қўйилган вазифаларни бажаришда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур файласуф олимлар ноосферанинг умумфалсафий хусусиятларини ёритиб беришга алоҳида эътибор қаратганлар. Хусусан, проф. Н.Шермухамедова<sup>3</sup> ўзининг кинот эволюцияси таракқиётига доир қарашларини илгари сурад экан, ноосферани биосферадан ажратилган, мушаккил мавжуд бўлган алоҳида қобик ёки борликка ҳеч қандай алоқаси бўлмаган соф назарий конструкция сифатида эмас, балки биосферанинг

<sup>1</sup> Адабиётлар диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида келтирилган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги “Инновацион ҳоҳлар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3682-сон, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сон, 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 434-сонли қарорлари ва мақсуда онд бошқа метабрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилди.

бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши, бунинг натижасида бутунлай янги сифат касб этиши сифатида тушуниш лозим, деб таъкидлаган. Проф. И.Каримов<sup>4</sup> мамлакатимизда ноосфера концепциясини миллий ғоя тараққиёти билан боғлаб таҳлил қилган, проф. С.Мамашокиров<sup>5</sup> ноосфера факатгина инсон онгли фаолияти доирасида чегараланиб қолмасдан, балки табиатни ҳам ўз ичига олишини кайд этиб, яъни, биосферани “ижтимоийлаштири” ҳолатини ва квинотни ҳам қамраб олишини ҳам кўрсатиб ўтган бўлса, ф.ф.н. Г.Н.Исмакова эса ноосфера инсон фаолиятининг уч таркибий қисми (модда, энергия, информация)ни қамраб олишини кўрсатиб ўтади<sup>6</sup>.

Ноосфера синтетик тушунча сифатида инсон фаолиятининг барча томонларини, рационал ва иррационал ютуқларини қамраб олади. Шу билан бир вақтда бу тушунча инсоннинг атроф-муҳит билан нафақат планетар, балки квинот миқёсидаги алоқаларини аниқлатади.

Ноосфера мавзуси билан боғлиқ тадқиқотларни хронологик жиҳатдан даврлаштириши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Биринчи давр – дастлаб ноосфера ғоясининг пайдо бўлиши ва унга илмий жиҳатдан асос солиниши (XX асрнинг 20-40-йиллари). Бунда ноосфера назарияси асосчилари бўлган В.И.Вернадский, Э.Леруа, П.Тейяр де Шарден<sup>7</sup> тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи давр ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб то ҳозирги давргача бўлган ноосфера концепциясининг шаклланиши ва ривожлантирилиши даврини қиритиш мумкин.

Бунда В.И.Вернадский ғояларининг амалий жиҳатларини тадқиқ қилишга бағишланган И.И.Мочалов, Б.С.Соколов, А.А.Яншин асарларини кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга академиклар Н.Н.Мамсеев ва А.Д.Уреулларнинг “инсон-ноосфера” тизими мубоабатларига бағишланган асарлари; Л.Н.Гумилевнинг этногенезнинг табиий-ландшафт шароитларини очиб берган асарлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Жамият ривожланиши илмий бошқаришда ноосфера концепциясини қўллаш имкониятлари Д.Г.Смирнов, И.В.Крайновченко, Ю.Е.Зигданова, Л.И.Плотникова, Ю.В.Соколова, В.И.Кашпирни каби олимлар тадқиқ юлганлар<sup>8</sup>.

<sup>4</sup> Каримов И. Ноосфера: теория ва таъқир. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 2007. 178 б.

<sup>5</sup> Мамашокиров С. Экологик фаолият ва инсоннинг шаклланишида табиий-қиймат омилининг роли. 09.00.11. – Табиий филофия филологияда таълим диссертацияси. – Тошкент, 1997. – 8. 56.

<sup>6</sup> Исмакова Г.Н. Становление и перспективы концепции ноосферы (философский анализ). Диссертация на соискание ученой степени кандидата философских наук. – Т., 1999. – С.83.

<sup>7</sup> П.Тейяр де Шарден. Феномен человека. – М., 1989; Вернадский В. И. Развитие природы. Научная мысль на планетарном уровне. – М., 1977.; Вернадский В.И. Несколько слов о биосфере // Русский космос. Антология философской мысли. – М. 1993; Вернадский В.И. Научная мысль как планетарное явление. – М., 1977; Вернадский В.И. Биосфера и ноосфера. – М., 1989.

<sup>8</sup> Смирнов Д.Г. Философско-методологический анализ концепции ноосферы и космосферы. Дис. ... канд. филос. наук. – Иваново, 2005. 245 с.; Крайновченко Ирина Васильевна. Глобальный экологический и социальный ноосфера. Дис. ... канд. филос. наук. – Челябинск, 2004. 258 с.; Зигданова Ю.Е. Ноосфера культурных потребностей: социокультурный феномен антропогенеза. Дис. ... доктора философских наук. – Милан, 2010. – 32 с.; Плотникова Л.И. Учение о ноосфере как идиологический проект гармонизации цивилизационного взаимодействия. Дис. ... канд. филос. наук. – Чита, 2004. 204 с.; Соколова Ю.В.

Диссертация таджикотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация таджикоти Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Ҳозирги замон жамияти ва фаннинг фалсафий-методологик муаммолари» мавзуси ва ЎзМУ ЁА-1-13+(1-18) сонли «Фандаги фанларaro ёндашув шаклланишининг концептуал асослари ҳамда глобализув шароитида миллий ўзликни англаш муаммосини ҳал этишда иқтисомий ва маънавий-шифруравий тарғибот технологияларининг аҳамияти» (2016-2017) маъзуларидаги тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Таджикотининг мақсади. Ноосфера концепциясининг фалсафий-методологик асосларини илмий-назарий таҳлил қилишдан иборат.

**Таджикотининг вазифалари:**

ноосфера концепциясининг тарихий генезиси ва эволюцияси таҳлиliga оид муқобил қарашларни қиёсий тадқиқ этиш;

ҳозирги давр табиий-илмий ва фалсафий муаммолар ечимида ноосфера концепциясининг тактик ва стратегик вазифаларини аниқлаш;

табиат ва жамиятнинг уйғунлаштириш мақсадида ноосфера гояларини амалга ошириш имкониятлари ва йўлларини таҳлил қилиш;

замонавий онтологик, гносеологик ҳамда экологик тадқиқотларнинг истиқболли йўналишларидан фойдаланишга оид илмий-назарий хулосалар, методологик тавсиялар, амалий тақлифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Таджикотининг объекти сифатида ноосфера концепцияси танланган.

Таджикот прeдмети ноосфера концепциясининг фалсафий-методологик таҳлили ҳисобланади.

Таджикотининг усуллари диссертацияда илмий билишнинг: объективлик, анализ ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик, тизимли ёндашув каби методларига таянилади.

Таджикотининг илмий интилиши куйидагилардан иборат:

ноосфера тушунчасининг мазмун-моҳияти ва илмий таснифи фалсафий-методологик жиҳатдан асослаш орқали унинг субстанционал негизлари (табиий-географик шароит, иқтисомий муҳит ва антропоген таъсир) аниқлаштирилган;

иқтисомий муҳит ва таълим-тарбия билан ақлий ривожланишнинг синергетик боғлиқлиги ноосфера ривожланиши тамойили эканлиги илмий-назарий жиҳатдан асосланди;

“ноосферавий билим”, “ноосферавий дунёқараш”, “ноосферавий фаоллик” тушунчалари ноосфера концепциясининг иқтисомий детерминистик жиҳатлари эканлиги исботланган;

---

«Этно-социальное развитие природы и общества в концепции ноосферы В.И.Вернадского» Дис. ... канд. филос. наук. Южноуральский гос. педагогический ун-т им. К.Д.Ушинского. - О., 1997. - 144 с., Каширин В.И. Экологический диспертного самосознания // Целевые процессы в природе и обществе: материалы второй Международной конференции. - Ставрополь, 1994. - С.100-104.

ноосферанинг "инсон – ақлий фаолит – инновация – барқарор тараққиёт" моделининг механизмлари (эхтиёж, мақсад, фаолит, инфратузилма) илмий асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

ноосфера концепцияси парадигмаларидаги ўзгаришларнинг назарий биллиш ва амалий ҳаётга таъсир йўналишлари, имкониятлари ҳамда истиқболлари кўрсатилган;

хотирги давр ноосфера концепциясини ривожлантиришга оид стратегик вазифаларни амалга ошириш механизмлари постклассик фан нуқтан-назардан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги журналлар ҳамда хорижий илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти, унинг назарий хулосалари, методологик тавсиялари ноосфера концепцияси мазмун-моҳиятини, унинг фалсафий билимлар ривождаги ўрнини чуқурроқ англаб етишга хизмат қилиши билан характерланади. Бу ўз навбатида, фалсафа ва фанлар истиқболини баҳорит қилиш, моделлаштириш учун шарт-шароит, назарий-методологик асос яратди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тадқиқот натижаларининг олий ўқув юрталарида "Фалсафа", "Этика", "Илмий тадқиқот методологияси", "Табиий фанлар концепцияси" ҳамда "Экология асослари" каби фанларни ўқитишда, таълим тизимининг янги илмий-услубий асосларини ишлаб чиқишда ҳамда турли фан соҳаларига оид илмий тадқиқот интеграциясини ривожлантиришда кенг қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ноосфера концепциясининг фалсафий-методологик таҳлили бўйича ишлаб чиқилган фалсафий-методологик таклиф ва тавсиялар асосида:

ноосфера тушунчасининг мазмун-моҳияти ва илмий таснифи фалсафий-методологик жиҳатдан асослаш орқали унинг субстанционал негизлари (табиий-географик шароит, иқтимоий муҳит ва антропоген таъсир)га оид хулосалардан "Илмий гояларнинг иқтимоий тараққиётдаги фалсафий аҳамияти" (Тошкент: Наврўз, 2014. 3-боб. –Б. 55-69. (хаммуалифликда). ISSN 978-9943-381-68-1; КБК 67.412 (5Г)) номли илмий методологик қўлланмада ўз аксини топган. (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 11 август 89-03-2813 сон маълумотномаси). Илгери суринган илмий хулосалар ёшларнинг биллиш жараёнидаги муаммоларни ўрганишда назарий билимларини тавомиллаштиришга ҳамда иқтисодик ҳақидаги тасаввурларининг ўзгаришига хизмат қилган;

ижтимоий муҳит ва таълим-тарбия билан ақлий ривожланишнинг синергетик боғлиқлиги ноосфера ривожланиш тамойили эканлиги ҳамда "Авеста" ва Зардушт гиталарида билим ва таълимнинг узро алоқадорлигига оид ҳудоса ва таклифларида А-1-92 рақамли "Авестанинг таълим тизими тадқиқ этиши ва "Зардуштийлик Хрестоматиясини" нашр этиши" (2015-2017 йиллар) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 24 май 89-03-1999 сон маълумотномаси). Берилган илмий ҳудосалар, амалий таклифлар мамлакатимиз ёшлари маънавиятининг янада юксалишига, миллий ўзлигининг англашига, умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш бўйича олиб борилаётган тарғибот-таълимкор ишлар натижалорлигига икбий таъсир кўрсатган;

"ноосферавий билим", "ноосферавий дунёқараш", "ноосферавий фаоллият" тушунчалари ноосфера концепциясининг ижтимоий детерминистик жохатлари эканлигига оид ҳудосалардан «Ижтимоий фалсафа» ўқув қўлланмасининг «Жамият – ақлий тизим сифатида», «Жамият ҳаёти ва тараққиётининг табиий ва ижтимоий омиллари», «Фан», «Ижтимоий тараққиёт – табиий-тарихий жараёни» ва «Ижтимоий тараққиётнинг субъектлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари» деб номланган бўлимларининг шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 24 май 89-03-2021 сон маълумотномаси). Мазкур ҳудосалар файласуфлар, бакалавр, магистр, тадқиқотчилар ва кенг ўқувчилар жамоатчилиги, ижтимоий фан мутахассислари учун қўлланиш сифатида хизмат қилмоқда;

ноосферанинг "инсон – ақлий фаоллият – инновация – барқарор тараққиёт" моделининг механизмлари (эхтиёж, мақсад, фаоллият, инфратузилма) эканлигига оид таклиф ва тавсиялардан "O'zbekiston 24" телеканали "Ахборот 24" информацион дастурлари (2018 йил март-апрель ойлари) сценарийсини тайёрлашда фойдаланилди ("O'zbekiston 24" телерадиоканали давлат унитар корхонасининг 2018 йил 11 июлдаги 01/09-721-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётта жорий этилиши ёшлардаги маънавий барқимоллик салоҳиятини, миллий онги ва илмий тафаккурини бойитишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 26 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 46 та илмий иш, жумладан: 1 та ҳаммуаллифликдаги илмий-услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этган илмий нашрларда 12 та мақола (9 та республика, 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилishi ва ҳажми. Диссертация "Қирин", учта боб, "Хулоса" ҳамда "Фойдаланилган адабиётлар рўйхати"дан иборат бўлиб, умумий ҳажми 152 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Қирин кўсемда маълумнинг долзарблиги ва зарурати, муаммоннинг Урганилганлик даражаси, илмий аниқлиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилishi бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг "Ноосфера тўғрисида генезиси ва ривожланиш эволюцияси" деб номланган биринчи бобида ноосфера концепциясига доир билимларни ўрганишда ноосфера тўғриси шаклланиши ва ривожланишининг тарихий шарт-шароити ва назарий-методологик асослари ҳамда ноосфера тушунчаси шаклланишига оид футурологик таълимотлар, фалсафий тўғрлар ва ҳозирги даврда ноосфера тўғрларининг ўзига хос хусусиятлари атрофича таҳлил этилган.

Ҳозирги даврда табиат ва жамият ҳодисаларини билиш учун мураккаб асбоблар, илмий тўғрлар яратилганлиги ва объектив қонулар кашф этилишига қарамадан, барча олимлар дунёқарашга мурожаат қиладилар. Бунинг боиси, оламдаги ҳар бир нарса, ҳодиса, одам ва ҳавозаларининг келиб чиқиш генезиси, мавжудлиги ва келажаги бутун олам, қолаверса бутун кинот муаммолари билан ҳамбарчас боғлиқлиқидир.

Диссертацияда дунёқараш ноосферанинг асосий хусусияти сифатида табиат ва жамият ҳодисаларини билиб олишда муҳим восита ва омил бўлиб қолиши асослаб берилган. Ўз навбатида, табиат ва жамият қозвлюцион уйғунлиги оламнинг рационал манзараси сифатида олам қонунияти ва мазмунини ёритишда илмий-фалсафий дунёқарашлик характериға эгаллиги қўрсатилган.

Қадимги даврларда инсоннинг табиий муҳитга антропоген таъсири инсбатан кучени бўлган. Даврлар ўтиши билан инсон қўлида қудратли куч ва қувват манбалари тўпланган, унинг табиатга таъсири антропотехноген характер касб этиб, табиатни сезиларли даражада ўзгартира бошлади. Инсон атроф-муҳитни ифлослантириб, биосфера экологик мувознагини издан чиқарди. Ноосфера концепцияси ўз ичига бугунги кун цивилизацияси ва глобал табиий жараёнларининг ўзаро муносабати тизимдаги муаммоларни ўз ичига қамраб олади. Бу масаланинг ечими, бевосита инсон ақл-идрок кучи билан боғлангандир. Инсон ўзининг аниғламас экан, унинг сайёрамизга ҳалокатли таъсири қучайиши, охи-оқибатда унинг ўзини ҳам ҳалокатга олиб бориши мумкин, деган илмий баёнотларда ҳақиқат бор. Зеро, инсон фаслияти ақл-идрок билан оқилона

бошқарилмағач экан, у планетар халоватнинг тезлаштириши муқаррарлиги аниқ бўлиб келмоқда.

Аввало, ноосфера инсон билиши маҳсули, оғ тарвақонётнинг космик даражаси сифатида инсоннинг ўз тафаккури ва амалиётини қамраб олади. Ақл ва унинг геологик характерини Э.Леруа ва П.Тейяр де Шарденлар келтирилган комплекс ҳолда ўрганиб, буни "Ноосфера" (Ақл-ндок сфераси) деб аташди. Дарҳақиқат, Ер қурраси биосферасини антропогенезга ўзгартириши даражаси – Ноосферани намоён қилди. Пьер Тейяр де Шарден фикрича<sup>9</sup>, дастлаб тафаккур фазоси ер ҳаётида қудратли куч келтириб чиқарган ҳолда бунда унинг ўз қобилиятини танқид қилиш ва уларга баҳо беришига тўхталиб ўтган. Бу эса, биздан глобал доврадаги муаммоларни ҳал этишдаги муносиб фикрлашни, дунёга бир бутун бирлик сифатида ёндашишни талаб этади<sup>10</sup>.

В.Вернадский жамиятга жонли ва жонсиз табиатнинг бирлиги сифатида қарайди. Унинг фикрига кўра, ноосферанинг шаклланиши ўсиб бораётган илмий тафаккур ва унга асосланган унумли иқтисомий меҳнат таъсирини юз бериши лозим. Илмий интеллектнинг ўсиши инсоният мавжудлик шарт-шароитларига жондий таъсир кўрсатмай қолмайди. В.Вернадский бу жараён миқдосини янада кенгайтиради, чунки ноосфера моддий тизимнинг улкан умумбашарий жараёнини қамраб олувчи инсон фаолияти туридир. Ноосфера инсоният ҳаётининг олий ташкилий вазифаларини ҳал қилишни ҳам, табиий-космик тартибни оқилона тартибга солиш мумкинлиги ҳолисини ҳам назарда тутайди.

Диссертант фикрича, ноосферанинг тарихий генезиси аввало, инсоннинг стихийли оғ фаолиятида ақл ва рационаллашув кўринишида намоён бўлади. Бунда интеллект масаласи фалсафа ва фан тарихида қўлимдан долзарб муаммо бўлиб келган. Ҳар бир фалсафий мактаб ўз таълимотидан келиб чиққан ҳолда интеллект муаммосига турли нуқтан назардан ёндашган.

Диссертацияда инсон интеллектининг ривожланиши: тугма истиснод, миз имкониятлари, жўшмоқ фаолият, ҳаётини таъриба каби иқтисомий омилларга боғлиқлиги асосланган<sup>11</sup>. Интеллект олимни ҳиссий ва рационал билишнинг воситаси сифатида, инсон кундалик амалий фаолиятида билим ва таърибаларини бойатиб, моддий ва маънавий маданиятнинг вужудга келтирди. В.Вернадский таъкидлаганидек<sup>12</sup>, инсон тафаккури ўз иқтисомий борлигида, мақонда биосферадаги улкан геологик ҳодиса сифатида Ақл соҳаси – Ноосферани намоён қилди. Шу маънода, ноосфера тўғрисидаги таълимотлар шаклланишига иқтисомий-сиёсий, истиснодий шарт-шароитлар муҳим таъсирини ўтказган. Буни эътироф этган ҳолда, ушбу концепцияларнинг вужудга келишида ўша давр дунёқараши ва табиий-

<sup>9</sup> Шарден П. Фотонин эълони. – Москва, 1987. – С.24.

<sup>10</sup> См. Синергетический подход. – Москва: Прогресс-Традиция, 2000. – С.236.

<sup>11</sup> Фалсафа таълимотини лутуғ: ЎзР ФА, ИИМнинг исломий фалсафа ва ҳуқуқ институти. – Тошкент.

<sup>12</sup> "Ушбу инсониятнинг таълимотини" деган илмий мақолада, 2010. – С.139.

<sup>13</sup> Вернадский В.И. Названия для о ноосфере // Русский космос. Антология философий мысли. – М 1993. – С. 14.

илмий фанлар ривож алоҳида ўрин тутганини ҳисобга олиш ва маъмур масалалар доирасидаги концептуал ёндашувларни тизимли равишда талқин қилиш лозим.

Ўз навбатида ақл "инсон табиати"даги нуқсонларни бартараф этиб, унинг табиатда тур сифатида сақланиб қолишини таъминлади. Буни содда меҳнат қуролларини кашф этиш орқали амалий тажрибаси бойиб боришида кўришимиз мумкин. Инсон ақлий интеллектининг объектлар олами билан функцияси: фан қонуналари, категориялари тизимли кенгайтиришга олиб келди. Ақлнинг илмий рационал ривож фан-техниканинг имкониятларини оширди ва янгирақ маданий цивилизациявий ҳаётни намоён қилди.

Ноосфера концепциясининг чуқур тарихий-фалсафий асосларида олдин илмий манзарасини ўзгартиришга қодир бўлган билим ва ақл-идрок кучига бўлган оптимистик ишонч мавжуд. С.Мамашохиров эса, "Экологик фаоллик ва масъулиятнинг мақсадга мувофиқлигига, эришиш учун экологик амалиёт объектини аниқлаб олиш методологик аҳамиятга эга. Чунки, экологик практиканинг объекти фақат биосфера экологик мувозинатини сақлашга қаратилган техник-технологик базисдан иборат бўлмасдан, балки унинг унга хос устқурмасини ҳам ўз ичига олади. Бундан ташқари, экологик амалиёт жамоият базис ва устқурмасини тубдан ўзгартиришга (айниқса, сиёсий инқилоблар билан) зарурият бўлиши, балки фаол экологик практикага ҳалақат берадиган устқурма унсурларини бартараф этишлари керак"<sup>11</sup>, деб ёзади. Унга ҳамоҳанг В.Н.Василенко ва Г.М.Имановларнинг: "Биз киммиз, замонавий ақли инсон – Homo sapiens глобализация даври "sapiens"ларимизми? Нима учун ўз шахсий уйғунлигида юрилиб кетиш хавфи бўлса ҳам, ўзининг планетадаги ақли тур деб атаймиз"<sup>12</sup>, деган фикрида қатъа ҳақиқат мавжуд.

Бугунги кунда илм-фан тараққиёти, фалсафий фикрлаш маданиятини ривожлантириш зарурати инсон билимларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашни, теварак оламда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни атрафлича ўрганишни, шу асосда инсоният келажаги ҳақида илмий билимлар шаклланишида ноосферани илмий-фалсафий жиҳатдан ўрганиш, унинг олами билимидаги ўрнини назарий жиҳатдан асослаш муҳим аҳамият касб этади.

Жамоият илмий потенциал кучайишида билимлар тулланиб бориши ва олам қонуналарининг кашф қилиниши, ўз навбатида, ноосферани хавф остига қолдиради. Дарҳақиқат, ноосфера ривожланиши ҳақидаги башоратларда табиатнинг хавф остига қолганини, агар инсон амалда ўзини англамас, табиат билан биргаликда хавф остига қолгани айтилмоқда. Шунинг учун ҳозирги экология соҳасидаги илмий талқинотларда замонавий цивилизациялар тараққиёти хавфли тус

<sup>11</sup> Мамашохиров С., Усмонов Э. Барқарор тараққиётнинг экологик заҳифалик масаллари. –Тошкент: Фан, 2009. –Б. 78.

<sup>12</sup>Василенко В.Н., Иманов Г.М. Ноосферная футурология. Учебное пособие. – Санкт-Петербург: издательство ООО «Лань», 2010. – С.11.

олганлиги ҳақидаги таълимотлар илгари сурналиб, унда инсониятнинг Ўз бош сабабчи эканлиги, унга қарши жаҳон ҳамжамияти биргаликда кураши зарурлиги кўрсатилган. Умуман, экологик ноосферавий ҳаракат турухлари фалсафанинг мустақкам гоявий-мафкуравий мавқега эга бўлишида, уларнинг маънавий-ахлоқий позицияси билан ақлий интеллектуал салоҳияти уйғунлашуви асосий роль ўйнамоқда.

Бобонинг умумлашган ҳулосасига кўра, ҳозирги замондаги экологик муаммолар, инсон томондан табиий атроф-муҳит инфосланганининг олдани олиш ва ҳалокатини тўхтатиб қолишдан иборат. Ушбу инсоннинг оламни қай даражада билишига ва Ўз ҳаётини сақлаб қолиш масъулиятини англашига боғлиқдир. Зеро, инсон табиатда ва жамиятда тутган Ўз ўрнини тўғри англаса, Узини ҳам, атроф-муҳитини ҳам, шайлаб-асрайди, Ер юзини янада гуллайтиб яшнатади.

Диссертациянинг **“Ноосфера концепциясининг назарий-методологик масалалари”** деб номланган иккинчи бобида оламнинг вужудга келиши ва ривожланиши, унинг турли босқичларини, кўринишларини шакллантирганлиги асосланган. Буида оламнинг механик, физик ва бошқа табиий-эволюцион ривожланиш босқичлари билан боғлиқ тушуночалар мазмунини очиб берилган. Масалан, табиатнинг ҳар қандай эволюцион босқичи: ҳаёт, ноосфера, синергетика ва космогенез деб аталган жараёнларини қамраб олиши<sup>15</sup> асосланган.

Фан тарихи, муайян давр талаблари ва эҳтиёжлари асосида: илмий тушуночалар, гоялар ва назариялар ривожланиб бориши билан боғлиқ объектив билиш жараёнидир. Жумладан, табиий ва ижтимоий фанлар тизимида ноосфера ва унга оид қарашлар муҳим назарий-концептуал аҳамиятга эга. Ноосфера тушуночаси мазмунинини англаш оламнинг илмий манзарасини фалсафий методлар ёрдамида тушуночи ва ўрганиш билан боғлиқ.

Ноосфера олам илмий манзарасини: яқлит, объектив, табиий жараён сифатида билиш асосида инсон онгининг юқсак потенциал имкониятини намоён қилади. Яъни мазкур объектив қонуний ривожланишни билиш жараёнида юқсак ақл соҳаси – Ноосферанинг шаклланиши ва мазмун-моҳияти намоён бўлади.

Фалсафа ва фан тарихида ноосфера концепциясининг ўрни ва роли муҳим методологик аҳамият касб этади. Тадқиқотчи М.Ю.Шинин фикрича<sup>16</sup>, ноосфера синтетик тушуноча сифатида инсон фаолияти натижаларини, жумладан моддий ва маънавий ютуқларини ҳам ўзида мужассам этади. Шунингдек, бу тушуноча мазмунида инсон ва атроф-муҳитнинг муносабатлари тизимини, нафақат планетар даражада балки космик миқёсда ифодалайди. Шу сабабли бизнинг фикримизча, М.Ю.Шининнинг шакллантирган янги илмий-фалсафий парадигма

<sup>15</sup> См. Баринев Р.Г. Синергетика в современном естествознании. – Москва: Издательство УРСС, 2003. – С. 36.

<sup>16</sup> Шинин М.Ю. Онтологические и методологические проблемы концепции ноосферности. 09.00.01. – Москва, 1997. – С. 3.

асосида, айнан ноосфера гоёси алоҳида жой олиши мақсадга мувофиқ деган қарашда асос бор. Шу жиҳатдан, экологияда: толерантлик, корреляция, трансформация, ноосфера, рационаллик, иррационаллик каби тушунчалар мазмун-моҳиятининг ёритилиши, экология соҳасида билимларни бойитида. Хусусан, биохимия-хилмийнинг фалсафий таҳлили глобал экологик муаммоларини англашга, ечимини топишга ёрдам беради<sup>17</sup>.

Дунёқарашнинг ноосферавий синтези, рус фалсафасининг етакчи голларидан бири бўлган билимлар аҳлиликги (бир бутунлиги) гоёсини ривожлантиради. Рус мутафаккирлари дунёқараш синтезида: фан, дин, фалсафа Утасидлиги эҳдиётлар ва алоҳидалигини бартараф этиш зарурлигини кўрсатилар. Чунки бу эҳдиётлар инсоният руҳининг етилмаганлиги, унинг онги чегараланганлигидан далолат беради. Улар инсоният руҳининг аҳлиликлигидан келиб чиққан ҳолда, дунёқарашга онд онг шакллари синтези гоёсини илгари сурганлар. Муаммонинг бундай тушунилиши учун ҳозирги вақтда барча зарур объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар тизими етилган<sup>18</sup>.

Жамият ва табиат қозволуцияси концепциясини биринчи бўлиб Н.В.Тимофеев-Ресовский (1968) илгари сурган эди. Унинг фикрича, қозволуция назариясининг асосий вазифаси, инсоният ва бутун биосфера эҳтиёжлари гармоник муносабатини аниқлашдан иборат. Бунинг учун икки ҳолатдан, яъни: инсоннинг табиат устидан ҳукмронликка интилиздан (бир табиатдан эҳсон кутмаймиш – И.Мичурин) ва табиатта итоткор бўлиш (орқага, табиатта қайтишдан – Ж.Ж.Руссо) сакланмоқ керак<sup>19</sup>.

Шундай қилиб, ноосфера турли элементлардан ташкил топган мураккаб тизимдир. П.А.Флоренский фикрига кўра, ноосферанинг структуравий қатламини учга ажратиш мумкин, яъни: биринчиси – **вигосфера** бўлиб, у инсоннинг тана витал, иктимоний-иқтисодий ҳаётини (қайта ишлаб чиқариш)ни таъминлайди; 2) иккинчиси – **интеллектосфера** деб аталади ва фан ва илмий техникавий ижодни билдиради; 3) учинчиси – **пневматосфера** маънавий ҳаёт ва ахлоқий-эстетик кадривларни ўнда акс эттиради. Бу сфералар, бир томондан, ўзаро генетик ва функционал боғлиқ; иккинчи томондан, уларнинг ўзаро таъсир иерархиясида шаклланаётган ноосферанинг хилма хиллиги ва даражалари намоён бўлади.

Шунингдек, ноосферанинг бир-биридан иносбатан мустақил ҳолда мавжуд бўлган иқозита ташкил этувчи асосини ажратиш кўрсатиш методологик аҳамиятта эга, яъни: биринчиси – инсон томонидан яратилган табиий моддий-энергетик структуралар: антропоген

<sup>17</sup>Қураб: Халимова Н.С. Философский анализ биоразнообразия // Материалы семинара: Проблемы биоразнообразия и изменения климата. – Ташкент, 2010.

<sup>18</sup>Шанин М.Ю. Ноосферная концепция культуры. Дисс. д. философских наук. – Москва, 2001. – С. 54.

<sup>19</sup>Халимова Н. Табиат ва жамиятнинг иқозити қозволуцияси назария ва амалиёт. – Ташкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашрияти, 2008. – 146б.

ландшафтлар, турли хил маданий-рамзий тизимлар (тил, архитектура, музыка ва ҳ.к.). Инқобчилик – инсоннинг ментал-психологик фаоллиги билан боғлиқ энергия-ахборот структураларидан иборат бўлиб, маъқур асос ноосферани шаклланишига тўғрисида тўғри хизмат қилади<sup>20</sup>.

Фалсафа ва фан тараққиётида илмий билимларнинг; онтологик, гносеологик, аксеологик ва футурологик масалалари доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бунда илмий билимлар борлиқ ва оламни инсон томонидан адекват акс эттиришининг муҳим асоси сифатидаги мураккабликни, узвийликни кўраб олади. Проф. М.Абдуллаевнинг фикрича, билиш – бу жараён, шунинг учун фан тараққиётининг ҳар бир босқичи ўзинга хос рационаллик, ўзинга хос ёндашув ва дунёни ҳис этиш билан тавсифланади, улар эса дунёнинг кўп қиррали ҳамда кўп функциялилигини яхлитликда англашга имкон яратadi<sup>21</sup>.

Ҳозирги замон постноклассик фанида олам тараққиётининг бир бутунлик парадигмаси таъ олиниб, унда: олам, биосфера, ноосфера, жамият, инсонлар ягона яхлит тизимни ташкил қилади. Ушбу яхлитликнинг намоён бўлишида инсон ўрганилаётган объектдан ташқарида эмас, балки унинг ичида яхлитликнинг бир қисми бўлиб кўриниши ётади ва бундай ёндашувнинг оқибати сифатида табиий ҳамда инжимоий фанларнинг қонулашуви кўрамади.

Бунда ҳозирги замон фанларининг нисбатан универсал илмий гоялари, тамойиллари, моделлари инжимоий-гуманитар ёки табиатунослик фанларига ҳам кенг татбиқ этилиши кузатилади<sup>22</sup>. Zero, моделлаштириш жараёнида нарса ва ҳодисаларнинг алоҳидалик, ҳусусийлик ва умумийлик томонларининг бирлигини, уларнинг ўзаро боғлиқлиги нуктаи назардан эътироф этиш, ўрганилаётган объект модели адекватлиги таъминлашда муҳим аҳамиятга эга<sup>23</sup>.

Маъқур модель ташкиллашган билимларни янги тараққиётга йўналтиради. У табиат ва маданият дунёсини янгича тушуниш мўлжалларини белгилайди. Бунда: табиат ва инсон, биосфера ва ноосфера, табиат ва жамият, цивилизация ва маданият эволюциясининг статистик ва динамик моделларининг фирқи шартли ва нисбий характерга эга. Яъни статистик моделлар ўрганилган объектнинг фақат маълум жиҳатини акс эттиради. Динамик моделлар эса, объект (нарса, ҳодиса, жараён)нинг вақт бўйича ўзгариши қонуниятларини акс эттиради.

Ноосфера тараққиётининг бундай яхлит манзараси биосфера ва глобал экологик муаммолар тизимини мақсадли тадқиқ этиш ва ўрганишни тақозо

<sup>20</sup> Қариев Шайхи М.Ю. Онтологик ва методологик асосларда инновацион ноосферология.

Доис вакил философия вакил (9.90.01) / Москва, 1997 – С. 17.

<sup>21</sup> Абдуллаев М.Н. Модернизация парадигма вақаришнинг философия-методология таълими /Модернизация жараёнининг философия-методология таълими (ўқувлик) –Тошкент: Нури, 2010 –Б.18.

<sup>22</sup> Шермухамедова Н.А. Дунёнинг постноклассик манзараси ва инновация // Самарқанд: ривожланиш ва истиқболлар - Тошкент, 2010 – Б.55.

<sup>23</sup> Қариев Абдуллаев М.Н., Тулганов С.Ж., Гаффаров Г., Нисанбетов М. Нишай тоқ ва фаннинг методология муаммолари. Маъқур муҳаррир: М.Н.Абдуллаев. –Тошкент: Фалсафа ва ҳақиқ институти вақариш, 2009 – Б.127.

килади. Бунда ноосферанинг вужудга келиши, тараққиёти ва прогнози муҳим аҳамият касб этади. Бу масалада А.Печен фикрича, "Фахат инсон манфиатларигагина мослашши қобилиятига мувофиқ келадиган тараққиёт ва ўзгаришлар яшашга ҳақли ҳамда қўллаб-қувватланishi керак... Юқсак инсоний сифатларнинг ривожланишига олиб келадиган янги гуманизм орқали инсоний инқилоб"<sup>24</sup>ни, яратishi гоёси эътиборли ҳисобланади.

Бунда ноосферанинг бошланғич асоси – атрибутив ахборот ҳисобланади. Мураккаб тизимлардаги ахборотнинг эволюцияси Коинотнинг барқарор ва мақсадга йўналган ривожланишини ташқил этиш воситаси сифатидаги бошқариш ҳодисасини тугдирди. Ақлнинг амал қилиш доираси (ноосфера) табиатда бошқариш жараёнлари ривожланиши узлуксиз танжирининг энг юқсак ҳалқасидир<sup>25</sup>.

Биосферанинг ўз-ўзини ташқил қилувчи тизим сифатидаги фаолияти тирик нарсанинг мавжудлиги унда яшовчи тирик организмлар билан мувофиқлашганлигида акс этади. Биосфера ички структурали компонентларнинг, шунингдек, антропоген омилларнинг доимий усувчанлик таъсиридаги ривожланувчи динамик тизимдир. Бу эса биосфера тараққиётида ноосфера ҳам алоҳида яқлит тизим сифатида характерланади. Биосферада ҳам, ноосферада ҳам ахборот алгоритмлари мавжуд. Булар тизим тараққиётининг асосини ташқил этади.

Ахборот – алгоритмлари адекват бўлган тасодифий кетма-кетликнинг эслаб қолинган танлови бўлиб, бу танловни мустақкамлаш ахборотни яратади<sup>26</sup>. Ақлнинг амал қилиш доираси (ноосфера)да инсониятнинг техник-технологик тараққиёти цивилизацияни вужудга келтирди.

